

ҲУКМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил июль

бўлиб, суд раиси Қ. раислигида, судья ёрдамчиси У. котиблигида, тарафлардан Янгийўл шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Н., судланувчи Қ. ва унинг ҳимоячиси–адвокат М. иштирокида, нисбатан 1-1119-2401/133-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

йил 13 февралда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, “Рамадон” маҳалла фуқаролар йиғини, МЖК-1 корпус, 7-уйда истиқомат қилади, иш бўйича «муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 17 майда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокара сўзларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

давомида, қонунга хилоф равишда, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзи яшаб келган уйда 1.000 сўмлик купюрага солинган гиёҳвандлик моддаларини яширган ҳолда сақлаб келиб, 2024 йилнинг 19 апрель куни Янгийўл шаҳар Наврўз маҳалласи ҳудудида ИИБ ППХ ходимлари томонидан текширилган вақтда эғнида бўлган қора рангли куртқасининг чўнтагида 1.000 сўмлик купюрага ўралган, аниқланган вақтда умумий вазни 0,24 (нол бутун юздан йигирма тўрт) грамм бўлган “ташиш” гиёвандлик моддаларини ўз истеъмоли учун ўз уйида сақлаб келганлиги аниқланган.

2024 йил 19 апрель куни тунги вақтда, Янгийўл шаҳар ИИБ ППХ гуруҳи ходимлари томонидан Янгийўл шаҳар, Наврўз м.ф.й. ҳудудида хизмат олиб бориши давомида, ўзини ҳаракатлари билан ППХ ходимларида шубҳа уйғотган Янгийўл шаҳар, Рамадон м.ф.й., МЖК-1 корпус 7-уйда яшовчи,



К. [REDACTED] евнинг ён-атрофи кўздан кечирилган вақтда, унинг эгнида бўлган қора рангли куртқасининг чап чўнтагидан 1.000 сўмлик купюрага солинган, қора рангда бўлган, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги моддалар борлиги аниқланиб, аниқланган моддалар ҳолислар иштирокида расмийлаштирилиб олинган.

Судга оид кимёвий-экспертизасининг 2024 йил 20 апрелдаги №584-сонли хулосасига кўра, К. [REDACTED] олинган оқ рангли қоғоз пакет ичидаги 1 (бир) дона 1.000 сўмлик купюра ичидаги модда, нам, ширали думалок кўринишдаги тўқ-жигарранг рангли таркибида фаол гиёванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган моддалар-“гашиш” деб аталиши, гашишнинг умумий оғирлиги 0,24 (ноль бутун юздан йигирма тўрт) граммни ташкил этганлиги аниқланган.

Судланувчи К. [REDACTED] айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳозирги кунда турли хил мавсумий ишлар билан шуғулланиб келишини, 2023 йилнинг ноябрь ойи охирида маҳалласида жойлашган далаларга хўжалик ишларни қилиш мақсадида бориб, ишларини қилиб бўлгандан сўнг уйга қайтишда, далада қаровсиз ҳолатда ўсиб ётган наша гиёхвандлик моддаларини кўриб, наша ўсимлигини териб олиб, қўли билан ишқалаб, ишқаланиш натижасида наша ўсимлигидаги ёпишқоқ шираси қўлларига ажралиб ёпишиб йиғилган шираларни ҳаммасини бирлашириб олганлигини, натижада ўткир хидли жигарранг гиёванд моддаси ҳосил бўлганлигини, даладан олиб келинган моддани чўнтагида сақлаб келганлигини, орадан бир неча кун ўтиб ярим бўлагини тамаки махсулотининг устига қўйиб, қўлбола ясалган 0,5 литр ҳажимли елимдан ишланган боклашга орқали истемол қилганлигини, қолган ярим бўлагини эса 1.000 сўмлик купюра ичига жойлаштириб, куртқасининг чўнтагига солиб қўйганлигини, 2024 йил 19 апрель куни соат тахминан 01:00 ларда Янгийўл шаҳар Наврўз м.ф.й., Янгиҳаёт кўчаси бўйлаб ишдан келаётган вақтида, ИИО ходимлари келиб, ўзларини таништириб, шахсига оид ҳужжатларни сўрашганлигини, икки нафар ҳолис иштирокида ёнини кўздан кечиришганлигини, эгнимда бўлган куртқанинг чап чўнтагидан 1.000 сўмлик купюрага ўралган гашиш гиёванд моддаси борлиги аниқлашганлигини, ИИБ ходимлари ушбу моддаларнинг нималигини ва кимга тегишли эканлигини сўрашганида, уларга бу моддаларни унга тегишли эканлигини, уларни далада қаровсиз ҳолатда ўсган нашалар эканлигини, уларни 2023 йилнинг ноябрь ойи охирида даладан ўзининг истемолим учун териб, ушбу моддани тайёрлаганлигини айтганлигини, ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, ундан гашиш гиёванд моддасини олишганлигини, сотиш ва бошқа шахсларга бериш нияти умуман бўлмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, суддан енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Б. [REDACTED], 2024 йилнинг 19 апрель куни соат тахминан 01:50 ларда Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси бўйлаб ўз шахсий ишлари билан кетаётган вақтида ёнига икки нафар ИИО ходимларининг хизмат кийимларини кийиб олинган ходимлар келиб, ўзларини таништишиб, бир иш бўйича ҳолис сифатида иштирок этишни сўрашганида, у рози бўлганлигини, Янгийўл шаҳар Дехқон бозори ҳудудида тезкор тадбир ўтказилаётганлигини, бу тадбир давомида у билан бирга яна бир ҳолис



сифатида иштирок этганлигини, Янгийўл шаҳар ИИБ биносида К. [REDACTED] кийимларини кўздан кечиришганида, унинг эғнида бўлган қора рангли куртқасини чап чўнтагидан 1.000 сўмлик купюра қора рангли ўткир ҳидли модда борлиги аниқланганлигини, ушбу моддалар тегишли тартибда ИИО ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиб олинганлигини, у ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини айтганлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ Б. [REDACTED], судланувчи акаси эканлигини, 2024 йил 19 апрель куни акаси уйга кеч соат тахминан 03:00 ларда кириб келганлигини, улардан нима сабабдан кеч келганлигини сўраган вақтида ҳеч нарса бўлмаганлигини айтиб, хоналарига кириб кетганлигини, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг акаси 2024 йил 19 апрель куни нима сабабдан уйга кеч келганлигини билганлигини, 2024 йил 19 апрель куни соат тахминан 02:20ларда акасини Янгийўл шаҳар ИИБ ППХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, холислар иштирокида текширилганида, унинг эғнида бўлган қора рангли куртқасининг ички чап чўнтагидан 1.000 сўмлик купюрага ўралган қора рангли ўткир ҳидли гиёвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан К. [REDACTED] озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳванд воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай туриб, қонунга хилоф равишда сақлаганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топади.

Судланувчи К. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг иқрорлигидан ташқари, судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг ҳамда иш бўйича йиғилган қуйидаги: иш бўйича берилган билдиргилар, тушунтириш хатлари, қарорлар, нарсани кўздан кечириш ҳамда олиб қўйиш тўғрисидаги баённомаси, судга оид кимёвий ва наркологиya экспертиза хулосалари, жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 4-бандида қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир



чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 6-бандида, судлар Конституциясининг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олинишини, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берган.

Юқорида қайд этилган Пленуми қарорларининг тушунтиришларига риоя қилиб ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд судланувчи К. [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда хулқини назорат қилиш орқали тарбия қилса бўлади деган хулосага келиб, ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, К. [REDACTED] нисбатан, уни суд-наркология экспертизасининг 2024 йил 6 июндаги №1132 сонли хулосасига кўра, уни наркомания касаллигига чалинганлиги, даволанишга муҳтож эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан наркоманиядан мажбурий даволаш чораси қўллашни лозим топади.

Суд, иш бўйича далилий ашё тариқасида олинган 0,24 (ноль бутун юздан йигирма тўрт) грамм “ташиш” гиёвандлик воситаси судга оид кимёвий-экспертизасининг 2024 йил 20 апрелдаги №584-сонли хулосасига кўра, тадқиқот учун тўлиқ сарфланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан соат 22:00 дан тонги соат 6:00 га қадар яшаш жойидан чиқиш чекланган ҳолда 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



